


АХБОРОТ ХАТИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда Халқаро ва Республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси” да белгиланган тадбирларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида” ги №116-сонли буйруғида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институтида **2020 йилнинг 27-28 июнь кунлари “Маданиятлараро мулоқот Ўзбекистон туризми нигоҳида: тажриба, долзарб муаммолар ва истиқболлар”** мавзусида Халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш режалаштирилган.

Анжуман доирасида ялпи мажлис ва қуйидаги секциялар фаолияти режалаштирилган:

- **Хорижий тиллар - маданий меросни талқин қилиш асоси сифатида.**
- **Мулоқот жараёнида лингвомаданий хусусиятларнинг воқеланиши.**
- **Туризм соҳаси вакилларидаги лингвистик ва ижтимоий-маданий салоҳиятини ривожлантириш асослари.**
- **Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари.**
- **Маданиятлараро мулоқот хорижий тил таълимининг етакчи омили сифатида.**

Анжуманда тилшунослар, тарихчилар, археологлар, музейшунослар, туризм Давлат қўмитаси вакиллари, дипломатик ташкилот вакиллари, туризм соҳаси тадқиқотчилари, педагог-ходимлари ва мутахассислар ҳамда туризмга қизиқувчи талаба, магистрантлар иштирок этиши мумкин.

Анжуманда илмий мақолалар тўпламини чоп этиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан **2020 йил 10 июнгача** бўлган муддатда илмий мақола ва тезисларни ўзбек, рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларида анжуман таҳририятига электрон кўринишда юборишингизни сўраймиз.

Илмий мақолаларни расмийлаштиришга қўйилган талаблар :

Илмий мақола мавзуси.	Қисқа ва тушунарли тарзда бош ҳарфлар билан ёзилади.
Муаллиф тўғрисида маълумот.	Муаллифнинг исми-шарифи, отасининг исми тўлиқ ёзилади, иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари киритилади.
Аннотация ва калит сўзлар	6-8 қатордан ошмаган ҳолда, мақола қайси тилда ёзилган бўлишидан қатъий назар фақат инглиз тилида берилади.
Илмий мақола матни	Times New Roman (14) шрифтида ва 1.5 интервалда ёзилади.
Матндаги иқтибослар	Квадрат қавс ичида қуйидагича берилади: [1,15]
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	Адабиётлар рўйхати матн сўнгида “Фойдаланилган адабиётлар” ёзуви остида берилади.

- ✓ Мақоланинг мазмуни ва савияси учун муаллифларнинг ўзлари масъул ҳисобланади.
- ✓ Юборилган мақолаларнинг барчаси “Антиплагиат” тизимида текширилади.
- ✓ Мақоланинг ҳар бир саҳифа учун тўлов миқдори **20 (йигирма)** минг сўм.
- ✓ Тўловлар узоқ масофа учун **Payme** ёки **Click** иловаси орқали қабул қилинади.
- ✓ Карта рақами: 8600 0601 2692 8986 (UZCARD) / 9860 0801 6417 1490 (HUMO)
- ✓ Тўланганлик тўғрисидаги маълумотни скриншот тарзида қуйидаги телеграм номерига юборишингиз сўралади: +998933496088
- ✓ Анжуман материаллари тўпламига киритилган ҳар бир илмий мақола муаллифи электрон шаклда **сертификат**га эга бўлади.
- ✓ Мақолаларни қуйидаги манзиллар орқали юборишингиз мумкин:
E-mail: dilallia@mail.ru, телеграм учун : +998937280438, +998902505515
Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Бўстонсарой 93, Самарқанд давлат чет тиллар институти, факультети Француз тили ва адабиёти кафедраси.
Телефонлар: +99897 9270692 (Сувонова Н.), +998902505515 (Атауллаева Д.)